

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2015-yil, 22-oktabr. Payshanba • 125 (32.028)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азиз деҳқон ва фермерлар, сувчи, агроном ва меҳанизаторларини, барча дала меҳнаткашларини, қишлоқ ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этганингиз билан самимий муборакбод этишни ўзим учун катта шараф деб биламан.

Ўз ҳаётини дунёдаги энг машаққатли ва олижаноб ишга бағишлаган сиздек фидойи инсонларнинг йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатингиз ҳисобидан жорий мавсумда 7 миллион 300 минг тонна галла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта етиштиришга, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам белгиланган режаларни муваффақиятли бажаришга эришганингиз ҳаммамизга катта хурсандчилик етказди.

Бугунги мана шундай қувончли кунда 2015 йилнинг биз учун ҳар томонлама ҳосилли ва омадли келгани, йўлимизни ўзи очиб бераётгани учун аввало Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамиз — деҳқончиликда осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги мавсум ҳам турли ташвишлардан холи бўлмагани, айниқса, март ойида қутилганда қор ёғиши, қаттиқ совуқлар, ёз ойларида ҳаво ҳарорати илгари ҳеч қачон кузатилмаган даражада юқори бўлиб, Оқдари туманидаги «Тоҳмаҳал Зарафшон», Қумқўрғон туманидаги «Саодат», Сайхунбод туманидаги «Қоратой Мирзаев», Юқоричирчиқ туманидаги «Тангриберди ота», Олтиариқ туманидаги «Нурли обод», Қува туманидаги «Олтин диёр», Оқ олтин, Янгибозор туманидаги «Бегибод Бўзқалъа», Ҳазорасп туманидаги «Ғафур Рухия» сингари фермер хўжаликлари гектаридан 45-50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда қўлга киритган ютуқларимиз, мавсумни ёруғ юз билан яқунлаётганимиз тўғрисида гапирганда, албатта галлачилик ҳақида сўз юритишимиз табиийдир. Бу тармоқда юртимизда мисли кўрилмаган улкан хирмон бунёд этган, барчамизнинг ризку насимиз, номимизни бутун қиладиган деҳқон ва фермерларимиз, соҳа мутахассисларининг мардона меҳнатига қўйиб қўлиб, улгар ҳар қанча миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирадиган бу йилги мавсумнинг юксак натижалари ҳақида гапирар эканмиз, бунинг замирида аввало бундан чўқур ўйланган, узқоқни қўлаб амалга оширилаётган ислохотлар, аграр соҳа ривожини замонавий босқичга кўтариш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш бўйича олиб бораётган стратегик йўлимиз муваффақ эканлиги таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати қишлоқларимиз таррақийида ҳал қилувчи кўч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти кучайиб, уларнинг келажакка ишончи янада мустаҳкам бўлиб бораётгани — буларнинг барчаси нафақат қишлоқ хўжалигини, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда.

Барчамизга аёнки, бошқа соҳаларга қараганда ўзининг ғоят но-зиқлиги, кўп меҳнат, катта билим ва тажриба талаб қилиши билан ажралиб турадиган пахтачиликда юксак натижаларни қўлга киритиш осон эмас.

Бу ҳақда гапирганда, йил давомида қишлоқ меҳнаткашларининг ишини тўғри ташкил этиб, юксак сифатли ва ушшоқлик билан белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилгани, моддий-техник таъминот, барча агротехник тадбирларни, хусусан, чеканка ва дефолиацияни ўз вақтида, сифатли ўтказиш ма-салаларига жиддий эътибор қаратилганини алоҳида қайд этиш

зарур. Энг муҳими, етиштирилган пахта ҳосили ғоят қисқа муддатларда — 35-40 иш кунини йиғиб-териб олингани, унинг 90 фоизи юқори сортларга топширилгани камдан-кам учрайдиган ҳодиса, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бугунги хурсандчилик кунда шартнома мажбуриятларини билинчилардан бўлиб бажарган Андижон, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, барча вилоятларимизнинг пахтакорлари мамлакатимизнинг юксак хирмонини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада Амударё, Қораўзақ, Пахтабод, Булоқбоши, Олот, Ромитан, Дўстлик, Миришкор, Қасби, Қўзилтепа, Мингбулок, Наманган, Каттақўрғон, Оқдарё, Сирдарё, Бўқа, Юқоричирчиқ, Бешарик, Ёёвон, Тошлоқ, Хива, Янгиариқ, Қўшқўпри туманлари 20-25 иш кунини режани адо этиб, қўшчиликка ўрнак ва намуна бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айниқса, Эллиқалъа туманидаги «Рўзимбой бобо», Пахтабод туманидаги «Олтин», Қорақўл туманидаги «Ҳосилдор», Мирзақўл туманидаги «Бахтиёр Асад ўғли», Қарши туманидаги «Нукрабод», Миришкор туманидаги «Қамалка», Навбахор туманидаги «Янги ер», Мингбулок туманидаги «Барақа», Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», Оқдари туманидаги «Тоҳмаҳал Зарафшон», Қумқўрғон туманидаги «Саодат», Сайхунбод туманидаги «Қоратой Мирзаев», Юқоричирчиқ туманидаги «Тангриберди ота», Олтиариқ туманидаги «Нурли обод», Қува туманидаги «Олтин диёр», Оқ олтин, Янгибозор туманидаги «Бегибод Бўзқалъа», Ҳазорасп туманидаги «Ғафур Рухия» сингари фермер хўжаликлари гектаридан 45-50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда қўлга киритган ютуқларимиз, мавсумни ёруғ юз билан яқунлаётганимиз тўғрисида гапирганда, албатта галлачилик ҳақида сўз юритишимиз табиийдир. Бу тармоқда юртимизда мисли кўрилмаган улкан хирмон бунёд этган, барчамизнинг ризку насимиз, номимизни бутун қиладиган деҳқон ва фермерларимиз, соҳа мутахассисларининг мардона меҳнатига қўйиб қўлиб, улгар ҳар қанча миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Мамлакатимиз бўйича галла ҳосилдорлиги ўртача 53 центнерга етгани, бу кўрсаткич Андижон вилоятида 71 центнер, Бухоро вилоятида 60 центнер, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида 57 центнер, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида 56 центнер, Фарғона вилоятида 55 центнер, Тошкент вилоятида 52 центнерни ташкил этгани, қўлгина туманларда бу рақам 60-77 центнердан зиёд бўлгани, ҳеч шубҳасиз, қишлоқ хўжалигимиз тарихидаги улкан натижадир.

Фермерлик ҳаракати имкониятларидан самарали фойдаланган Учқўприқ туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Олтиариқ туманидаги «Хайрулла Баҳром Бойматов», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», Ромитан туманидаги «Файз-2000», Қўзилтепа туманидаги «Нарғиз диёр», Хатирчи туманидаги «Турсунвоҳ Камолитдин», Термиз туманидаги «Сурхон Сарвари», Хўжайли туманидаги «Одилбек», Бухоро туманидаги «Ислом Нарзи Обод», Олот туманидаги «Жумагелди», Яқабод туманидаги «Улаш ҳожи Жалил ўғли», Навбахор туманидаги

«Арслон бобо», Учқўрғон туманидаги «Учқўрғон элита сервис», Пайариқ туманидаги «Ҳазрат полвон Усмонов», Денов туманидаги «Исмоилова Мавлуда Фуломовна» каби ўнлаб, юзлаб фермер хўжаликлари 85-95, ҳатто 100 центнердан ҳам юқори ҳосил олгани ўзбек деҳқонлари қандай буюк ишларга қодир эканининг яна бир амалий намунасидир.

Ҳақиқатан ҳам, яқин ўтмишда четдан кимларгадир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига дон олиб келадиган, ҳатто бир ҳафта-ун кунга етадиган ун захираси қолган оғир кунларни бошидан кечирган ўзбекистон бугунги кунда 31,5 миллиондан зиёд аҳолисини нафақат галла билан таъминлаётган, керак бўлса, уни экспорт қилаётган мамлакатга айлангани барчамизга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди.

Бу йил етиштирилган галла ҳосилининг 57 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 210 минг тоннадан ортиғи фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилганини қишлоқ аҳолининг омондорлиги донга, хонадонлари кут-баракага тўлаётгани, моддий манфаатдорлиги ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Ана шундай улкан, илгари та-саввур ҳам қилиб бўлмайдиган марраларни эгаллашда кейинги етти йилда 1 триллион 627 миллион сўм маблағ ҳисобидан 2 миллион 45 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга эришганимиз, таъбир жоиз бўлса, ернинг дардиға малҳам қўйганимиз мустаҳкам замин бўлди.

Бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётган бундай ишларимизнинг самарасини кейинги икки йилда пахта ва галла бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача 2-5 центнерга ошгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу йил ёз ойларида, ҳаво ғоят иссиқ келган бир шароитда аввало бундан юз касбининг устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқонларимизнинг маҳорати, маҳаллий ўғитни ўз вақтида бериш, ҳар томич сувадан тежаб-тергаб оқил-она фойдаланиш каби агротехник тадбирлар ҳосил тақдирини ҳал қилишда етакчи ўрин эгаллади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу билан бирга, серҳосил ва эртапишар, турли касалликларга чидамли гўза навларини яратиш ва районлаштириш бўйича муҳим натижаларга эришадиган селекционер олимларимизнинг бу ютуқларда муносиб хизматлари борлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Бугунги замонавий агротехнологияларни пахта ўшалтирган, ер билан тиллашга ўзлашдиган, турли зараркунанда ва касалликларнинг олдини олишда маҳорат кўрсатган агроном ва мутахассислар ҳақида гапирганда, ана шундай кенг қамровли ишларни бошқарган, масъулиятни ўз зиммасига олиб, барча муаммо ва жумбоқларни оқилона ҳал қилган фермерларимизни ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу йилги юксак марраларга етишда бекиёс ҳисса қўшган, уй-рўзгор юмушлари билан бирга дала ишларида фаол иштирок этиб келадиган муҳтарам аёлларимиз, опа-сингилларимизга яна бир бор ўзининг юксак эҳтироми ва эзгу тилакларимни билдирам.

Жорий йилда қўлга киритган марра ва ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг негизини ётган омиларни аввало ерга меҳрини аямасдан бераётган, таъбир жоиз бўлса, тупроқдан олтин ундириб яшаётган деҳқон ва

фермерларимизнинг юксалиб бораётган дунёқараши, меҳнатга муносабати, қисқа қилиб айтганда, қишлоқ аҳолининг ҳаёт фалсафаси тубдан ўзгараётганида қўришимиз даркор, деб ўйлайман.

Мен жойларда бўлиб, дала меҳнаткашлари билан суҳбатлашганимда, бу одамлар нафақат ўз соҳаси, балки бутун юртимиз тақдирини, ёшларимиз келажакни ҳақида қандай тўқинлашиб, катта ишонч ва гуруҳ билан гапиргани, дунёдаги турли воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб яшаётганига гувоҳ бўлганимда амалга оширадиган ислохотларимизнинг энг муҳим натижасини кўргандек бўлам.

Бугунги кунда мўл ҳосил етиштириб, дўкон ва бозорларимиз, эл-юртимиз дастурхонини тўлдириб, нарх-навоининг барқарорлигини, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган деҳқон ва фермерлар ҳаётимизнинг таянч устунлари, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу ўринда қалбимдан **чўқур жой олган бир фикрнинг такрорлаб айтилиши зарур деб биламан: дунёда ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ва миришкор инсонларни топишни ўзи қийин ва бу ҳақиқатни сиз, азизларнинг бу йилги бекиёс ютуқларингиз яна бир бор исботлаб турибди. Том маънодаги жасорат ва қаҳрамонлик намунаси бўлган олижаноб меҳнатингиз учун сиз, азизларга ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан.**

Хурматли деҳқон ва фермерлар! Бугунги қувончли айёмда эришган натижаларимизни баҳолаб эканмиз, айни пайтда келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратиш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари самарадорлигини янада ошириш ҳақида ўйлашимиз табиийдир.

Албатта, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи аграр соҳа олдиға ҳам янги-янги вазифалар қўяётганини, биз етиштирадиган маҳсулотлар ҳақон бозорда хар томонлама рақобатдош ва харидориги бўлиши зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳамда фермерлар кенгашларининг иш самарасини кучайтириш, янги авлод фермерларни тарбиялаш, хар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли пахта ва галла навларини яратиш, интенсив боғларни, маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарини қўлайитириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва энергия ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Муҳтарам дўстларим, қадрдонларим! Мана шу шуқуҳли айёмда сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги юксак меҳнат ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, барчангизга дилимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Хонадонларимиздан файзу барака, элу юртимиздан тинчлик-осойишталик ҳеч қачон аримасин! Азиз ва муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва фидойи халқимизни Яратганингиз ўзи доимо па-ноҳида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

қонунларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади

Парламент кўйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбат-даги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши, акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ ва бошқа қонун лойиҳалари қизғин муҳокама этилди.

► Давоми 2-бетда.

■ ДЕПУТАТ ФИКРИ ВА ТАКЛИФИ

Депутатлик назорати кучайиши

ижтимоий масалалар самарали ечим топишда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, ҳаётимиздаги ўзгаришлар барча даражадаги депутатлардан ишга профессионал асосда, жиддий ёндашгани талаб этилди. Парламент жамиятни ҳаракатга келтирувчи сиёсий институт ҳисобланса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳудудларда ислохотларнинг самарали амалга оширилишига ҳал қилувчи

таъсир кўрсатади. Депутатлар ана шу жараёнларнинг марказида бўлиши, халқ вакили сифатида сайловчилар манфаатларини дадил ҳимоя этиши керак.

Депутатнинг сайлов округида олиб борадиган ишларидан бири қонунлар ва қарорлар бажарилишини назорат қилишда фаол иштирок этишдан иборат.

► Давоми 2-бетда.

Ҳаётидан рози, эртасидан кўнгли тўқ одамлар

Ёки Ўрта Чирчиқ туманининг Қумовул қишлоғидаги бунёдкорликлар ва фаровон турмуш ҳақида

Кўп эмас, оз эмас, атиги чорак аср аввал бу ерлар зах босган экинзорлар, шўрхок пахта пайкаллари эди. Ариқ, зовур четларидаги ўсиқ тиканаклар, юлғунлар, қалин қамишзорлар шамолда ваҳимали шовуллаб, юракларда кўркүв, нохуш ҳислар уйғотарди. Катта йўл бўйидаги пастқам, лойсувоқ уй-жойлар овлоқ овулларни эслатарди.



Санжар ШОТУЛАНОВ олган сурат.

Албатта, ўша даврларни кўрмаган, билмаган киши бу гапга ишониши қийин. Азим пойтахтнинг шундоқкина биқинида бундай хунук манзаралар бўлганини ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олмайди. Афсуски, бу ҳақиқат. Бир чеккаси Тошкент шаҳрига туташ Ўрта Чирчиқ туманининг Қумовул қишлоғида истиқомат қилувчи онахону отахонлар ўша кунларни яхши эслашади.

► Давоми 3-бетда.

Ўзгартиш ва қўшимчалар

қонунларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади

ЎзХДП фракцияси парламентдаги қонун ижодкорлиги жараёнида
партия Сайловолди дастурида белгиланган масалаларга алоҳида
эътибор қаратаётир.

Қонун ижроси кўриб чиқилди

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Навоий вилоятидаги ижросини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутасадди ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этди.

Қайд этилдики, Навоий вилоятида қутқарув хизмати ва тузилмалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти Фавқулодда вазирлар буйица вилоят бошқармаси томонидан мувофиқлаштириб келинган.

Қўмита томонидан соҳа мутахассислари, экспертлар иштирокида олиб борилган назорат-таҳлил ишлари давомида қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга доимий шай ҳолатда туриши, соҳа ходимларининг мунтазам тайёргарлиги, махсус анжонлар билан таъминланиши ҳамда ижтимоий ҳимояси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълум бўлишича, вилоят қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари томонидан фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича 246, байрам тадбирларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича 125 марта, шунингдек, тактик-амалий машқлар ва тактик машғуллотлар учун 131 чиқиш амалга оширилган.

Фавқулодда вазиятлар юзга келганда тиббий ёрдам кўрсатиш учун вилоятда 117 врачлик тез тиббий ёрдам бригадаси, 3 доимий тайёргарликдаги махсус шошилинч тез тиббий ёрдам бригадаси; шунингдек, эпидемияга қарши мобил ва радиологик бригадалар ташкил этилган.

Йиғилишда қонун ижросини таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар атрофида кўриб чиқилди. Депутатлар фавқулодда вазиятларда ва оқибатларини таъминлаш чораларини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсияларини билдиришди. Мухомама яқунлари бўйича қўмита қарор қабул қилди.

Давлат тили ҳақидаги қонун ва унинг тарихий аҳамияти

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан шун мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар билан бирга Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси вакиллари, Тил ва адабиёт институти, шунингдек, олий ўқув юрталари филология факультетлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар давлат тили ҳақида қонун қабул қилиниши билан она тилимизга маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик ва олий қадрият сифатида қараш шаклланиши таъкидлашди. Натижада тилимизнинг грамматик қонун-қоидалари, ифодаш услублари такомиллаштирилди ва бу жараён тобора ривожланмоқда.

Тадбир иштирокчилари она тилимизнинг давлат тили сифатида халқроқ микёсда нуфузи ва мақоми ошиб бораётганини, Ўзбек тилининг беш томлик изоҳли луғати яратилгани ёш авлоднинг билими ва маънавий олами бойишида муҳим аҳамиятга эга бўлганини қайд этишди.

Шунингдек, давра суҳбатида давлат тили ҳақидаги қонун таллабларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларда ҳам айрим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ташқи ёзувлар, реклама ва эълонларни Ўзбек адабий тилининг қоидаларига риоя этган ҳолда тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. Бу борада мутасадди ташкилотлар, айниқса, вилоятлардаги мувофиқлаштирувчи тил комиссияси ҳамда туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар фаолиятини жонлантириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.



Сайхон ШОТЎЛДАНОВ оған суратлар.

Қонун лойиҳаси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви фаол ривожланиши ва самарали шаклланишига, бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кенгайишига, янги иш ўринлари очилиши имкониятлари орттиришига хизмат қилади.

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутиляпти.

Саҳобиддин АРЗИҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида давлат иқтисодиёти учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш масалалари қамраб олинмоқда. Унга қўра, валюта биржасини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилиши ҳамда банк унинг капиталида қатнашиши мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Ушбу меъёр ривожланган давлатлар қонунчилиги ва амалиётига мос келад.

Фракция аъзолари йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан киритилган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқди.

Унга асосан, сиёсий партиялар, уларнинг муассасалари ва ташкилотларига битта банк муассасасида бир неча ҳисоб-китоб ва рақларини очишига имкон берувчи ўзгартиш киритиш таклиф қилинмоқда. Депутатларнинг фикрича, бу ўзгартиш сиёсий партиялар, уларнинг муассасалари ва ташкилотларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритишда сезиларли қулайлик яратди, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятида шаффофлик таъминланади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида сиёсий партияларга ажратилган молиявий маблағларнинг самарали сарфланиши билан боғлиқ меъёр ҳам жой олмоқда. Мазкур таклифга қўра, сиёсий партияларнинг йил давомида ишлатилмай қолган маблағи давлат бюджетига қайтарилмасдан, кейинги йилларда уларнинг уставда белгиланган фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилиши мумкинлиги кўзда тутилмоқда.

Йиғилиш давомида кўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари бўйича фракциянинг ҳулосаси шакллантирилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ДЕПУТАТ ФИКРИ ВА ТАКЛИФИ

Депутатлик назорати кучайиши

ижтимоий масалалар самарали ечим топишида муҳим аҳамиятга эга

Очилини айтиш керак, қонунлар ижроси ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас. Агар қонунларнинг қандайдир шаклда бузилиши, ижроси сууст олиб борилаётганини аниқланса, бу ҳолат юзасидан депутат тегишли давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ва ўртага қўйилган масалани кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу депутатнинг ваколат доираси кенглигидан далолат беради. Депутат мазкур ваколатлардан самарали фойдаланиши ўз-ўзидан депутатлик назорати кучайишини таъминлайди.

Депутатлик назоратининг энг таъсирчан шаклларида бири депутатлик сўровидир. Шу боис биз депутатлик сўровларида ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳамда қонунчиликнинг бартараф этишга жиддий эътибор қаратаётимиз. Масалан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари аҳоли мурожаатлари асосида тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига жами 7 депутатлик сўрови юборди.

Менинг назаримда, депутатлик назорати тартибидида ўрганиладиган ҳар бир масала учун албатта ишчи гуруҳи тузилиши ҳамда унинг иш

режаси бўлиши, мутасадди ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитиш мунтазам равишда олиб борилиши керак. Бу депутатлик гуруҳи, доимий комиссиялар йиғилишлари ва сессияларда амалга оширилади. Мазкур масалада бизда яхши тажриба бор. Хусусан, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши сессиясида бир қатор масалаларда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Жумладан, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирининг мактаб ва мактаб-гача таълим муассасаларида қишга тайёргарлик ишларининг аҳоли тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Гап шу ҳақда кетганда, бир таклиф айтмоқчиман. Доимий комиссиялар ва сессиялар қарорлар ижроси устидан мунтазам ва талабчанлик билан назорат олиб бориш керак. Сессия муҳокамасига олиб чиқилган ва унда қабул қилинган қарор ижро этиляптими, аҳолининг бу масалага муносабати қандай? Мана шу каби саволларга жавоб топиш учун электрот вакиллари билан учрашувларни изчил йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

Одатда, партияимиз электротини ўйлантираётган масалалар, катта-кичик муаммолар қўйида

яққолроқ кўринади. Шунинг учун халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашидаги депутатларимиз ҳар қачонгидан кўра фаол ва ташаббускор бўлмоғи лозим. Бироқ шундай бир вазиятда халқ маҳаллий Кенгаш сессиялари, доимий комиссиялар мажлислари муҳокамасига ижтимоий масалаларни олиб чиқолмаётган, электрот манфаатларини таъминлаш механизмидан етарли даражада фойдаланмаётган партия гуруҳларимиз борлиги кишини ўйлантириб қўяди. Айрим ҳудудларда эса партия ташкилоти билан депутатлар ўртасида мустақам алоқа шаклланимаганига бефарқ қараб бўлмайди.

Биз ҳар бир партия ташкилоти, депутатлик бирлашмаси фаолиятини танқидий ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, депутатлик сўрови, депутатлик назорати институтидан самарали фойдаланишимиз, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш механизмининг янада самарали фойдаланиш чораларини кўришимиз зарур, деб ўйлайман.

Саида ЖўРАЕВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

■ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Депутатларнинг қайд этилишича, қонун лойиҳасида белгиланаётган меъёрлар акциядорлик жамиятлари фаолияти ривожланиши ва акциядорлар манфаатдорлиги кафолатланишида долзарб аҳамият касб этади.

Хусусан, қонун лойиҳасига қўра, акциядорлар умумий йиғилишида жамиятлар ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли аниқ стратегияси тасдиқланиши, бу борада амалга оширилаётган чоралар бўйича ижроия органи ва қўра қонуннинг ҳисоботи тингиланиши ҳақидаги қоидалар назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари акциядорларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши соҳа ривожига қўшимча туртки бўлишини таъкидлашди.

Қонун лойиҳаси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви фаол ривожланиши ва самарали шаклланишига, бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кенгайишига, янги иш ўринлари очилиши имкониятлари орттиришига хизмат қилади. Натижада аҳолининг бандлик даражасини ошириш, айниқса, ёшларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш кафолатлари мустаҳкамланади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ келади. Шунинг учун фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда, шунингдек, «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам, иккинчи ўқишда қизғин муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга асосан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»

■ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимининг ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, уларни жамиятнинг етакчи аъзосига айлантириш — муҳим вазифалардан бири. Бу борада Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида қатор вазифалар белгиланган. Шунга мувофиқ, жойларда «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан хотин-қизларнинг қонунлар ва қонуности ҳужжатлардан хабардорлигини ошириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида «Сиёсий ҳуқуқларга оид қонун ҳужжатлари тарғиботи ойлари» ўтказилмоқда.

Тарғибот ойлари ўтмоқда

Касби туманидаги «Муғлон» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ҳудудий бошланғич партия ташкилотидида ўтказилган тадбир ҳам мазкур ойллик доирасида бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, депутатлар, маҳалладаги хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этди.

— Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг қўлламли ишлар амалга оширилаётганини ҳаммамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз, — деди тумандаги 9-сон мактабгача таълим муассасаси мудири Хамроғул Қурбонова. — Шу жиҳатдан олиб қарасак, аёлларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини

янада мустаҳкамлаш, сиёсатга қизиқувчи хотин-қизларни партия сафига кенг жалб этиш — муҳим масала. Бу борада бугунги тадбир аниқ мудоаа бўлди, деб ўйлайман. Чунки тадбир сиёсий билим ва малакамни ошириш учун муҳим мактаб вазифасини ўтади. Масалан, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлардан хабардор бўлдим. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида бу йўналишдаги семинарлар ташкил этилаётгани партия дастурий мақсадлари тарғиботини кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Тадбир сўнггида 9 кишига ЎзХДПга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Султон ХАМРОЕВ

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАШИ УЧУН УЛАРГА ИМТИЁЗЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИШ, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТЎЛОВЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ТАРАФДОРИ.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЙИРИК КОРХОНАЛАРГА КАСАНАЧИЛИК ИШ ЖОЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЙ КВОТАЛАР БЕЛГИЛАШ ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР (НОГИРОНЛАР)НИ КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШ КЕРАК, ДЕБ ХИСОБЛАЙДИ.

Бундай эътибор, бундай ғамхўрликнинг қадрига етишимиз,
иззат-икромга муносиб бўлишимиз зарур.

Ҳаётидан рози, эртасидан кўнгли тўқ одамлар

Ёки Ўрта Чирчиқ туманининг Қумовул қишлоғидаги
бунёдкорликлар ва фаровон турмуш ҳақида

— Данғилама уй-жой тиклаш нари турсин, ҳатто, давлатдан томорқа учун бир парча ер олиш оғир муаммо эди, — деб эслайди меҳнат фахрийси Нурали Ашурматов. — Бу масалада, айниқса, серфарзанд оилалар жуда қийналишган. Торгина ҳовлида икки-уч оила, келину неваралар қимти-ниб, қисилиб яшашган...

Ҳа, айнан шундай эди. Пичоқ суякка бориб етган кунларнинг бирида маҳалла оқсоқоллари хат-саводли одам сифатида Нурали Ашурматовни ўртага олишди. Ёни-миздаги совхоз даласидан ёш оилалар учун томорқа ерлари ажратиб беришларини талаб қиламиз, юқори идораларга бизнинг номимиздан ариза ёзиб бергин, дейишди. Табиийки, хайрли ишларга ҳамиша тайёр муаллим маҳалладошлар гапни ерда қолдирмади. Аммо орадан кўп ўтмай улар йўлаган аризани ҳавода силкитган кўйи икки нафар амалдор қишлоқда пайдо бўлди. Ҳеч қандай ваз-баҳона пахта экиладиган давлат ерларини қисқартишга асос бўлмаслигини дўқ-пўписалар билан тушунтирдилар.

«Аслида сизларни янги ўзлаштириладиган чўл ҳудуд-ларига кўчириб юбориш кўзда тутилган, — деди амалдорлардан бири. — Аммо ҳозирча сизларни аяб турибмиз, шунисига ҳам шукр қилсаларинг-чи...»

Умидлар, илинжлар сароба айланди. Зеро, давлат ман-фаати ҳар қандай инсон ман-фаатидан устун қўйилган, халқ орзу-истаклари, ҳуқуқлари поймол қилинган ва бунинг барчаси қўйили широлару баландпарвоз, ҳайқириклар ортига яширилган мустаҳкам тузумдан бошқа нарса қутиб ҳам бўлмасди.

Истиқлол йилларидагина халқимизнинг асрлар давомида топталган, ҳўрланган кадр-қиммати тикланди. Бугун Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат замирида ҳам инсонни эъзозлаш, унинг ман-фаатларини ҳимоя қилиш,

Давоми. Бошланғич 1-бепда.

халқнинг фаровон турмушини таъминлаш мақсади ётибди. Мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёйган тўб ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, туманларда намунавий лойи-ҳалар асосида барпо этила-ётган замонавий қишлоқ уй-жойлари фиримизнинг яққол далилидир.

Биргина Тошкент вилояти-нинг Ўрта Чирчиқ туманига назар ташласак, мазкур ҳудудда сўнгги уч йил ичида 300 дан зиёд ҳудди шундай намунавий лойиҳалар асоси-да уй-жой қурилиб, фойдала-нишга топширилди. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, бугун ушбу туман ҳудудидаги Қумовулни дабдурустдан қиш-лоқ деб аташга одамнинг тили бормайди. Замонавий, қатор-қатор уй-жойлар, маҳалла гу-зарлари, дўконлар, маиший-маданий иморатлар қад рост-лаб турибди. Қирмизи тус ту-нуқали товларида қуёш ўйна-ган ҳовлиларга бош сўксан-гиз кўзлар қувониб, кўнгли-лар ярайди. Энг сўнгги ру-сумдаги ошхона жиҳозлари, иситиш, совутиш тизими, қулай, ораста ювиниш хона-лари, шинам, кенг ётоқлар, болалар учун алоҳида хона-лар беихтиёр ҳаёлингизни ўғирлайди. Ўзингизни афсо-налар оламига кириб қолган-дай ҳис этасиз гўё. Худди шундай хонадонларнинг би-рида бизни меҳнат фахрийси Раим Тўлағанов қарши олди.

— Тошкент шаҳридаги дўстларимизга тез-тез меҳ-монга бориб тураман, — дея ҳикоя қилди отахон. — Ил-гари уларнинг уйларидаги қулай шарт-шароитларни кўриб ҳавасим келарди, имкон то-пиб пойтахтга кўчиб ўтиш ор-зусида юрардим. Қарангки, орадан кўп ўтмай, бизнинг



қишлоқларда ҳам шаҳарники-дан асло қилишмайдиган мана бундай уй-жойлар қури-ла бошланди. Аввалга бу чи-ройли иморатлар номига, бир-икки жойда қуриласа ке-рак, деб ўйладим. Кейин қарасам, йилдан-йилга сони ҳам, сифати ҳам ортиб бор-моқда. Нархлари ҳамёнбоп, устига-устак, узоқ муддатли, имтиёзли кредит ҳисобига олишингиз мумкин! Ёшим сак-сонга яқинлашди. Аммо ле-кин шу пайтгача халққа бу қадар эътибор, ғамхўрлик кўрсатган давлатни кўрмаган-ман. Ёлни чин дилдан суюд-иган Юртбошимизга мингдан минг раҳмат!

Қумовулликлар табиатан меҳнатқаш, миришкорликка мойил халқ. Шу боисдан ҳам ўзлари учун барпо этилган за-монавий уй-жойлар, таълим-тарбия муассасалари, маи-ший-маданий иморатлар те-варак-атрофини янада кўркам ва файзли бўлишни қўлаб-боғ-роғлар, гулзорлар я-ратишмоқда, янгидан янги обо-дончилик ишларига бел боғ-лашмоқда. Худди шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, маҳалла гузариди яқиндагина барпо этилган, «Хумо» деб номланган сер-ҳашам тўйхонада ҳар кун тўй-томоша, ҳар кун танта-на, кимдир ўйил уйлантирса, кимдир қиз узатади.

— Ҳар гал шу ердан ўтаёт-ган чорам галати бир воқеа

ёдимга тушади, — дейди тад-биркор Равшан Позилов. — Биласиз, илгариги даврларда тўй-томошалар хонадонларда амал-тақал қилиб ўтказилар-ди. Бир синфдошимиз ўйла-наётган эди. Ҳовли меҳмон-лар билан роса тўлган. Бир пайт ёмғир ёғиб қолди. Жала. Тўс-тўполон бошланди. Бир маҳал қуёв етимида ичкарига киришга чоғланган келин сир-паниб кетди. Уни тўтиб қолишга интилган қуёв ҳам мувоzanатини йўқотди. Хар иккиси лойқа қўлмак устига йиқилиб тушди...

Холбуки, ўша пайтдаги раҳбарият бундай муаммо-ларга парво ҳам қилмаган. Аҳоли тўй-маъракалари ор-тиқча ташвиш тахлиқасиз, чиройли бир тарзда ўткази-ши учун алоҳида, қулай шарт-шароитларга эга тўйхоналар, тантана уйлари ташкил этиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам кел-машам. Бундай лоқайдлик, бе-парволик замирида аслида инсонни таҳқирлаш, унинг ҳаётига, манфаатларига но-посандлик ётганини англаш мумкин эмас. Албатта, истик-лол неъматларидан баҳра олиб, униб-усаётган ёшлари-миз собиқ тузумнинг бундай иллатларини тасаввур этиши қийин. Аммо катта авлод ўша давр машаққатларини ҳўрсин-иб эслайди, бугунги дорил-омон дамларни ўтмишининг оғир кечмишларига бир-бир қўйсаларкан, дилида шўрча-на-лик,

ҳаёлида бир ўй кечади: «Ким эдигу, ким бўлдиқ?..»

Бугун халқ мутеълиқдан, таҳқирлардан озод. Бир пар-ча нон, бир қултум сув илин-жиди қимларгадир мўлтираб термулмайди. Аксинча, буюк бунёдкорликка камарбаста бўлиб ўз келажагини, ўз фа-ровон турмушини ўзи ярата-ди. Зеро, Мустақиллик унга шундай ҳуқуқни, шундай им-кониятни яратиб берди. Тош-кент вилоятининг Ўрта Чи-рчиқ туманидаги қайноқ қури-лиш жабҳалари билан тани-шарканмиз, бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдиқ. Айни кун-ларда туманининг пойтахтга ту-таш ҳудудида, Бектемир шоҳ кўчаси бўйлаб амалга ошири-лаётган кенг қўламли ўзга-ришлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу ердаги эски, пастқам уй-жойлар бузилиб, ўрнига замонавий, серҳашам иморатлар қуришмоқда. Қатор иморатларнинг биринчи қава-ти дўконлар, дорихоналар, маиший хизмат кўрсатиш шо-ҳобчалари учун мўлжалланган бўлиб, юқори қаватларида уй-жойлар қад ростлайди.

— Бизнинг хонадон ҳам шу кўча бўйида жойлашган эди, — дейди маҳалла фаоли Одинахон Эшбоева. — Бу-зилиш режасига тушди, аммо ҳокимият хафа қилиб қўйгани йўқ, кўнглидагидек тавон пули тўлашди, янги ҳовли-жой қуриб олишимиз учун ер аж-ратиб беришди...

Лўқмон БҲРИХОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.



Тамаки маҳсулотларига қарши кураш кучаймоқда

Бугунги кунда чекишга қарши кураш дунё муаммосига айланиб бормоқда.



Айни пайтда дунёнинг аксарият мамлакатларида жамоат жойлари-да сигарет чекиш тақиқланган. Бир-лашган Араб Амирликларидаги та-қиқлов ўта қатъийлиги билан бошқа мамлакатлардаги чекловлардан аж-ралиб туради. Яъни, амалга кири-тилган федерал қонунга қўра, жа-моат жойларида — ўқув ва тиббиёт муассасаларида, стадионларда, жа-моат транспортда, шахсий автомо-билларда (агар унда 12 ёшгача бўлган ўсмир бор бўлса), маиший хизмат ва савдо шохобчаларида че-киш қатъий тақиқланади.

Шунингдек, сигарет қўтисиди че-кишнинг зарари ҳақидаги огоҳлан-тириш ёзилмаган тамаки маҳсулот-ларини четдан мамлакатга олиб ки-риш, тамаки ўсимлигини етиштириш, тамаки рекламаси ва тамаки маҳсу-лотларини 18 ёшгача бўлган ўсмир-ларга сотиш ҳам тақиқланади.

Кимки бу тартибни бузса, 1 мил-лион дирхам (270 минг АҚШ долла-ридан ортиқ) миқдорида жарима ёки 2 йил муддатга қамок жазосига тор-тилади.

Бундай тартиб назорати махсус тузилган қўмита вакиллари томони-дан олиб борилади.

Ойнинг жанубий қутбида

улкан тепалик

Халқаро сайёрашунос олим-лар гуруҳи Ойнинг Эйткен деб номланувчи жанубий қутб бас-сейнидаги Мафит тепалигини илк бор тадқиқ этиб, ўз хулосалари-ни «Geophysical Research Letters» журналида эълон қилишди.



Мазкур тепалик Ойнинг жанубий қутбидаги ва айтиш мумкинки, Қу-этернинг умумий ҳажми 2,4 минг ки-лометр, чуқурлиги 8 километр, ай-рим жойлари 16 километрдан ҳам ортиқ) жойлашган. У минерал (пирок-сен ва оливин сингари минераллар-га тўйинган тоғ жинси)дан таркиб топган бўлиб, тепалик баландлиги 0,8 километрни ташкил қилади. Те-палик кальцийга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Сайёрашунослар эндиликда маз-кур тепаликни янада чуқур ўрганиш мақсадида «Chandrayaan 1», «Gravity Recovery and Interior Laboratory» ҳамда «Lunar Reconnaissance Orbiter» фазовий миссиялари томонидан йи-гилган маълумотларни умумлашти-риб, қайта тадқиқ қилишга жазм этишди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Микрокредитбанк» сармоялари

янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яра-тишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Молия муассасаси жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 680,5 миллиард сўм кредитлар ажратилди, шундан 279,4 миллиард сўмини микро-молиявий хизматлар ташкил этди.



Хусусан, тадбиркор аёлларга 72,1 миллиард сўмлик, коллеж бити-рувчиларига ўз ишини йўлга қўйиш учун 34,8 миллиард сўмлик имтиё-зли кредитлар, оилавий тадбиркор-лик ва хўнарамдчилик йўналишига

микрокредитлар йўналтирилди. Бун-дан ташқари, банк томонидан рес-публикаимиз ҳудудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ижросини таъминлаш мақ-садида 2524 лойиҳани молиялашти-риш учун жами 156,3 миллиард сўм кредит берилди. Барча лойиҳалар амалга ошган, 28 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши қутулмоқда.

Бугунги кунда банк кредитлари орқали ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари ташкил этаётган миқозлар сони ортиб бормоқда.

Ҳамидулло АҲМАДЛИЕВ,
Жалакудук туманидаги «Ровер фезеер» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз маҳаллий хомаше-дан турли хилдаги мебель маҳсулот-лари ишлаб чиқаришга ихтисослаш-ган. Маҳсулот ишлаб чиқаришни яна-да кенгайтириш, ички ва ташқи бо-зорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспорт қилиш мақсадида «Микрокредитбанк»-нинг Жалакудук филиалига мурожаат қилдик. Натияжада банкдан бизга аж-ратилган 99 миллион сўм кредит эва-зига уй ва офислар учун юқори си-фатли мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Фаолияти-миз янада кенгайтиши билан бир қаторда 10 га яқин иш ўрни яратилди.

Ҳабибулло ИСАЕВ,
Боёвўт туманидаги «Боёвўт ҳамкор савдо» МЧЖ раҳбари:

— 2014 йилда «Микрокредит-

банк»нинг Боёвўт филиалидан ма-карон ишлаб чиқариш учун 31 мил-лион сўм кредит олдик. Ушбу маб-лаг эвазига корхонамизга замона-вий ускуналар олиб келиб ўрнатдик ва 4 турдаги макарон маҳсулоти иш-лаб чиқаришни йўлга қўйдик. 4 на-фар йигит-қиз иш билан таъминлан-ди. Келгусида фаолиятимизни яна-да кенгайтириб, қандолатчилик маҳ-сулотлари ишлаб чиқаришни режа-лаштирганмиз.

Улликжан АТАЖАНОВА,
Зарбдор туманидаги «Улликжан Атажанова» хусусий корхонаси раҳ-бари:

— Фаолиятимизни 2011 йилда «Микрокредитбанк»нинг Зарбдор филиалидан олинган 8 миллион сўм кредит эвазига тикув цехи ташкил этишдан бошлагандик. Ишимиз юришиб, миқозларимиз сони ҳам ортиб борди. Шундан кейин фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида ўтган йили ушбу банкка мурожаат қилдик. Улар томонидан 28 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига замонавий тикув дастгоҳлари олиб келиб, ўрнатдик. Тикувчилик йўналиши бўйича касб-хўнар коллежини битирган 10 на-фар қизни иш билан таъминладик. Ҳозир боғча, шифоналарга шарт-нома асосида чойшаблар, болалар учун кийимлар етказиб бермоқда-миз. Келгусида цехимизни янада кенгайтириб, касб-хўнар коллежлари

битирувчилари, қўлида хўнари бор, хотин-қизларни ишга жалб қилишни режалаштирганмиз.

Азамат ХУШВАҚТОВ,
Қамаш туманидаги «Қудрат» фермер хўжалиги раҳбари:

— Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сама-рали фаолият кўрсатиши учун етар-ли шарт-шароит яратиб берилмоқ-да. Ўтган йили ўз бизнес-режам билан «Микрокредитбанк»нинг Қамаш филиалига мурожаат қилдим. Банк-нинг 38 миллион сўм кредити ҳисо-бига сутни қайта ишлаш ускунаси со-тиб олдик ва ишни йўлга қўйдик. Айни пайтда 40 бош қорамолимиз-дан соғиб олинган сутни ўзимизда қайта ишлаймиз. Маҳсулотларни бо-зор расталари, дўконлар орқали ха-ридорларга етказиб берамиз. 7 на-фар йигит-қизни иш билан таъмин-ладик. «Микрокредитбанк»нинг молиявий кўмаги биз каби тадбир-корларнинг самарали фаолият юри-тишида муҳим омил бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Мик-рокредитбанк» кредитлари иктисо-дийетимизнинг янада ривожланиши-га, қўллаб-қувватлашга йўналиши-га ҳамда оилалар фаровонли-гига хизмат қилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИ-ЧА МАМЛАКАТНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ 8,0 ФОИЗГА ЎСДИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПРОФИЦИТ БИЛАН ИЖРО ЭТИЛДИ. ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРДАН ОШИМДИ.



■ «КЕСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КЕСА-ЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УЛАРНИ ИЖТИМОЙ МУҲО-ФАЗА ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА, УШБУ ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА БАРЧА МАНБА-ЛАР ҲИСОБИДАН 2,0 ТРИЛЛИОН СЎМДАН КўПРОҚ МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

ОНА ТАБИАТ ИНЪОМЛАРИ

Бойсун олмалари сифати, ширинлиги, йириклиги билан машҳур. Айниқса, сўнгги йилларда бу нав олмаларга талаб жуда ортиб бормоқда. Ҳўш, бу меванинг ҳам ширинлиги, ҳам мазали бўлишининг сирини нимада? Унинг ўстирилиши ва яратилиши тарихи қандай?

БОЙСУН ОЛМАСИ

Бойсун олмаларини қўлайтиришга ўз умрини бағишлаган таниқли бобоғон, меҳнат фахрийси Нодир Мамадиёровнинг ҳикоя қилишича, туманинг иқлим ва тупроқ шароити чорвачилик, боддорчилик, сабзавотчилик учун жуда қўлай. Маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг ўрталарида Бойсунда мазкур олманинг маҳаллий иқлим шароитига мос навлари яратилган. Ундан дастлабки ҳосил олинганда, ўзига ҳосиллиги билан барчани ҳайратга солган.

— Бойсун олмаларининг серхосиллиги унинг алоҳида жиҳатидир, — дейди биология фанлари доктори, профессор Шукр Хуррамов. — Мазкур олма дарахсларидан олинганда ҳосил миқдори бошқа турдаги олмаларга қараганда уч-тўрт баравар юқори. Шунинг айтиши керакки, Бойсун олмалари туманининг Авлод ва Саросиё қишлоқларида етиштирилади. Чунки бу ернинг об-ҳавоси мазкур олма ниҳолларини парвариш қилишга мос келади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда боддорчилик эътибор кўнади. Ушбу йўналишга ихтисослашган фермер хўжалиқлари фаолияти изчил йўлга қўйилди.

Айрим тоғ қишлоқларида октябрь ойидек қор тушади. Шу боис бу ерларда етиштирилаётган сархил меваларни аҳолига етказиб бериш учун махсус музлатгич омборхоналар ташкил этилди. Бунинг натижасида ўтган йили қиш ойларида туман ва вилоят аҳолисига энг сара олмалар етказиб берилди.

Бойсун тумани ерлари табиий минералларга бойлиги, ширинлиги, ширинлиги, мусавффо ҳавоси билан машҳур. Шу боис бу заминда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари инсон саломатлиги учун жуда фойдалидир.

Абди ҚОДИРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Кун тартибиде — архив иши

«Ўзархив» агентлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида Бош директор ўринбосари Дилдора Кучарова архив иши юзасидан журналистларга маълумот берди.

Қайд этилдики, архивларга келиб тушаётган сўровлар ихроси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида архив хизматларини кўрсатиш масалалари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган «Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида» Низом-га мурофиқ архивлар томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар номенклатураси белгиланган.

Амалдаги қоидага кўра, архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва ўқув залида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий сўровларни бажариш, хусусан, 10 йиллик муддат учун меҳнат фаолияти ва иш ҳақини тасдиқлаш тўғрисидаги, юридик шахсни қайта номлаш тўғрисидаги, ўқув муассасаларида ўқиганликни тасдиқлаш тўғрисидаги, муқофотланганлик тўғрисидаги архив маълумотларини бериш бепул амалга оширилиши белгиланган.

Давлат архивларига мавзули ва ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар келиб тушади. Сўнгги йилларда улар сонини ортмоқда. Жумладан, архивларга 2010 йилда 7560 мавзули сўров келиб тушган бўлса, 2015 йилнинг тўққиз ой давомида бу кўрсаткич 15291 тани ташкил этган. Архивларга 2010 йилда 92011 ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўров келиб тушган. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида эса бу рақам 138397 тадан иборат бўлди.

Матбуот анжуманида шу сингари қатор рақамлар келтирилиб, мутахассислар архив иши юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир якунида журналистларнинг соҳага оид саволларига агентлик масъул ходимлари жавоб қайтаришди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАЪНАВИЯТ

Устознинг ҳақи

Ота-она борки, фарзанднинг ўқимишли, тарбияли бўлишини истайди. Лекин ушбу улғу мақсадга фақат хоҳиш билан эришиб бўлмайди. Бу йўлда устоз ва мураббийларнинг ўрни жуда катта эканини унутмаслигимиз лозим.

Муборак динимиз таълимотларида инсон таълим-тарбиясида муҳим ўрин тутадиган ўқитувчилар хизмати юқори баҳо берилди ҳамда Аллоҳ таолодан уларга улғу муқофотлар бўлиши башорат қилинади. Ҳар қандай инсон билими, маърифати билан жамиятда кадр-қиммат ва обрў-эътиборга эгадир. Одам алайҳиссаломнинг барча фаршталардан юқори мақомга кўтарилишлари ҳам айнан илм-маърифат билан боғлиқдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда илмни кишилар ва устозларнинг мартабаси юқсак даражага кўтарилишини баён қилади:

«...Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган устозларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир».

Бошқа бир ояти қаримда бундай дейилган:

«...Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!»

Аллоҳ таоло ушбу ояти қарималарда илм эгаллаган ва уни бошқаларга етказишда ҳолис ҳаракат қиладиган устозларнинг обрў-эътиборини юқори кўтариб қўйишини ваъда қилмоқда.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганлар: «Олимнинг, яъни унинг бошқалардан ортиқлиги ойдин кечада ойнинг бошқа юлдузлардан зиёда нурули эканига ўхшайди. Дарҳақиқат, уламо-устозлар пайгамбарларнинг меросхўрларидир. Пайгамбарлар ўзларидан кейин диндор ҳам, диндор ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар фақат ўзларидан илму маърифатни мерос қилиб қолдиришган. Ким бу мерос илмин олган бўлса, у катта бахту саодатни қўлга киритибди».

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда «Дарҳақиқат, инсонларга яхшилик ва илму маърифатни ўргатган барча устозларга ҳамма ҳайвонлар, ҳат-

токи денгиздаги балиқлар ҳам истиффор айтади» дейилган.

Луқмони Ҳаким ўғлига бундай насиҳат қилган экан: «Эй, ўғлим! Олимлар билан ҳамнафас бўл, устозлар орасида ўтир, чунки Аллоҳ таоло еру осмонни суви билан обод қилганидай, қалбларни ҳам илму ҳикмат нури билан мунавар қилади».

Улғу устозларимиз илму маърифатни ҳамма нарсадан афзал билган ва бутун ҳаётларини илмга, шоғирдлар етиштиришга бағишлаган. Шунинг учун ҳам ўз навбатида илм ўрганувчи талабадан устозни эъзозлаш, уни рози қилиш, ҳурмат-иззатини жойига қўйиш, зарурат туғилганда унинг хизматида бўлиш, унинг даражасини ота-онадан кам кўрмаслик талаб этилади. Устозга меҳр қўймаган, уни қадрламаган шоғирднинг пухта илм эгаллашига ишонмиш қийин. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) Зайд ибн Собит (р.а.)нинг уловлари тизгинини ушлаб, шундай деганлар:

«Уламоларга шундай хизмат қилишга бўйрилганмиз. Агар шоғирд улғулик сифатида етмай туриб, ундан фахрлилик қилбласса, жоҳилдир. Зеро, илм-ҳикмат мўйин кишининг йўқотган нарсасидир, қачон топса, уни олишга ҳақиқ».

«Хидоя» муаллифи, шайхулислом Бурхониддин Марғинониининг ёзишича: «Бухорои шарифнинг улғу олимларидан бирлари дарс ҳалқасида эдилар. Дарс асносида гоҳ ўқитиларидан туриб қўяр эдилар. Зийрак тоилилар бунинг сабабини сўрашди. У зот камоли эҳтиром билан: «Меҳрибон устозимнинг фарзандлари кўчада болалар билан ўйнаб юрибдилар. Гоҳида ўйин билан машғул ҳолда эшик олдида келсалар, устозим ҳурматидан дарҳол ўрнимдан туряпман», деган экан.

Имом Бухорий ҳазратлари бир муддат Маккаи мукаррамада дарс берганлар. Бир зиёратчи у зотга Бухорои шарифдаги устозларидан



Ў.А. олган сурат.

салом ва мактуб келтиради. Шундан Имом Бухорий зиёратчининг устозлар юртидан келганини билиб, уни кўчак очиб кутиб олганлар ва чексиз эҳтиром кўрсатганлар. Ундан салом хабарини эшитганларидан Бухорои шариф томонга юзланиб, саломга алик олганлар ва мактубни икки қўллаб олиб, эҳтиром билан танишиб чиққанлар.

Соҳибқирон Амир Темур бу ҳақда қуйидагиларни айтган эди: «Илм ва диннинг машҳур устозлари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келишган».

Устозлар барчамизнинг, хусусан, шоғирдларнинг эҳтиромига лойиқ бўлган буюк инсонлардир. Аҳнаф ибн Қайс таъкидлаганидек, «Илм билан мустаҳкамланмаган ҳар қандай улғуликнинг оқибати хорликдир».

Олимлардан бири: «Ота-оналар фарзандларини дунёдаги оловдан ҳимоя қилишса, устозлар уларни охира олови — дўзахдан муҳофаза этади» дея устозларнинг даражасини яна бир бора кўтариб қўйган. Илм тоилилари ҳам ўз навбатида билимларини зиёда бўлиши йўлида устозларидан билмаган ва тушунмаганларини сўраб билишда жиддий ҳаракат қилишлари лозим.

Абдужалил ОТАМУРДОВ, Ўтёна туманидаги «Мирбобо ота» жомеа масжиди имом-хатиби.

СПОРТ

Пойтахтимизда Давлат божхона қўмитасининг «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси томонидан шахсий таркиб ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ҳодимларнинг жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш мақсадида мини футбол бўйича турнир ўтказилди.

Божхоначилар яшил майдонда

Унда «Тошкент-Аэро» ИБК Бошқарув аппарати ва унинг таркибига кирувчи «Тошкент халқаро аэропорти», «Учиш майдони» чегара-божхона постлари, «Авиаклар», «Тузель» ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари ходимларидан таркиб топган олти жамоа ўзаро баҳс юритди.

Мусобақа бош соврини «Авиаклар» ТИФ жамоасига насиб қилди. «Тошкент-Аэро» ИБК Бошқарув аппарати жамоаси иккинчи, «Тошкент халқаро аэропорти» чегара-божхона пости учинчи поғонадан жой олди.

— Мусобақани юқори савияда ташкил этиш учун ўйинларга Ўзбекистон футбол федерациясининг маалаки ҳакамлари жалб этилди, — дейди турнир ташкилотчиси, «Тошкент-Аэро» ИБК Ҳарбий савбарбарлик, фавқулодда вазиятлар



ишлари ва жангвор тайёргарлик гуруҳи катта инспектори, божхона хизмати капитани Шерзод Ниязов. — Гарчи, мазкур турнир илк мартаба ташкил этилган бўлса-да, ўйинлар шиддатли ва мurosасиз ўтди. Келгусида бу каби мусобақаларни мунтазам ўтказишни режалаштирганмиз.

Турнир якунида ғолиблар кубок, диплом ва медаллар топширилди. Шунингдек, бир қатор номинацияларда ҳам ғолиблар аниқланди. Жумладан, «Авиаклар» ТИФ божхона пости жамоаси вакили Шерзод Ҳасанов — «Энг яхши дарвозабон», «Тошкент-Аэро» ИБК Бошқарув аппарати жамоаси вакиллари Маъруф Абдуллаев — «Энг яхши ҳимоячи», Миркомил Мираҳмедов — «Энг яхши тўпурар», «Тошкент халқаро аэропорти» чегара-божхона пости жамоаси вакили Равшан Абдалимов — «Энг яхши ҳужумчи» совринларини қўлга киритди.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЁМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.

САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЁМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

Гарантия 1 год

Телефоны: (0-371) 262-97-78, Факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17, www.avtokran.uz, email: cst2008@mail.ru

Товар сертифицирован.

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ

барча манфаатдор ташкилотлар вакилларини кооперацион ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш учун 2015 йил 26 октябрдан 2 ноябргача «Ўзэкспомарказ» мажмуасида (Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-уй) ўтказиладиган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасидаги холдинг компанияси стендига таклиф этади.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 244-30-47, 244-50-54. www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Abdulla Oripov, Hotamjon Ketmonov, Ulug'bek Vafayev, Rustam Kamilov

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Tahrir hay'ati: Ulug'bek Mustafayev, Muslihiddin Muhiddinov, Ochiqboy Ramatov

Saidahmad Rahimov, Farrux Hamroyev, Tat'yana Kistanova

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Temur XUDYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 5 6